

ШАРТНОМА № 3/11

Хива шаҳар

«14» сентябр 2022 й.

«XORAZM SABINA ZARINA MCHJ» бундан буён матнда «Бажарувчи» (юк юкловчи идора, корхона, муассаса, ташкилот номи) деб аталувчи номидан раҳбари **Сабирова Нодира** фаолиятини амалга оширувчи бир томондан ва **Хива Мурувват уйи** бундан буён матнда «Харидор» (бюджетдан маблағ олувчи номи) деб аталувчи номидан раҳбари **Ш. Абдилмуратов** фаолиятини кўрсатувчи, иккинчи томондан, куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузишди.

1. Шартнома предмети

1.1. Сатувчи» курсатган(бажарган) хизмат турини «Харидор»нинг мулки қилиб (доимий хўжалик юритувчи ёки бутунлай бошқарувига) беради, «Харидор» эса курсатилган (бажарилган) хизмат турини хақи тулангандан кейин олиш мажбуриятини олади.

1.2.

№	Хизмат тури	Ўл. бир.	Миқдори	Нархи	Умумий қиймати
1	Галош Длина обуви, мм 310 - 320, Размер ноги/галош 42-43.	Пара	200	35 000	7 000 000
2	Тапочки Размер упаковки (Длина × Ширина × Высота) 27 см x 11 см x 5 см Вес брутто 120 г Размер обуви 40, 41 Материал стельки Текстиль, Материал верха Текстиль, Вид тапочек Открытые.	Пара	200	30 000	6 000 000
3					
4					
5					
6					
7					
8					
9					
10					
11					
12					
13					
14					
	Жами:				13 000 000

2. Шартнома нархи, баҳоси, суммаси (қиймати)

2.1. Шартноманинг умумий қиймати ўн уч миллион сўмни ташкил қилади.

3. Тўлов шартлари

3.1. «Сотувчи» «Харидор»нинг ҳисоб-рақамига шартномада кўрсатилган маҳсулот миқдори суммасининг 30 фоизини олдиндан 3 банк иш кунида ўтказишни ўз зиммасига олади. Қолган 70 фоизи маҳсулот тўлиқ етказиб берилгандан кейин ўтказишни ўз зиммасига олади.

3.2. Тўлов тури _____ тўлов топшириқномаси, _____ (тўлов талабномаси, тўлов топшириқномаси, чек аккредитив ва бошқалар)

4. Шартноманинг бажарилиш муддати

4.1. Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган маҳсулот «Харидор»га шартнома имзолангандан кейин 5 кун вақт ичида берилиши шарт.

4.2. Шартноманинг амал қилиш муддати: 2022 йил «13» 09 дан 2022 йил «31» декабр гача ўз кучида қолади.

5. Тарафлар ҳуқуқлари

5.1. «Харидор»нинг ҳуқуқлари:

5.1.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотларни ўз вақтида ва сифатли маҳсулотни етказишни «Сотувчи»дан талаб қилишга;

5.1.2. «Харидор»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

5.2. «Харидор»нинг ҳуқуқлари:

5.2.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган хизмат турлари учун олдиндан ҳақ тўлашни ва амалдаги шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб-китобларни амалга оширишни «Бажарувчи»дан талаб қилишга;

5.2.2. «Харидор»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, курсатилган хизмат турини қабул қилишда асосиз равишда рад қилиш натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

6. Тарафлар мажбуриятлари

6.1. «Сотувчи» мажбурияти:

6.1.1. Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Харидор»га курсатилаётган (бажарилаётган) хизмат турини бажариш;

6.1.2. Тегишли даражада сифатли курсатилмаган (бажарилмаган) хизмат тури тўғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўн сифатли бажарилмаган хизмат турини 1 кун ичида қайтадан бажариб бериш ёки ушбу шартноманинг 1.2-бандига асосан сифатли бажарилмаган хизмат тури баҳосини қайтариб бериш.

6.2. «Сотувчи» мажбурияти:

- 6.2.1. Хизмат турини қабул қилиш далолатномасини тузган ҳолда ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатда хизмат турини қабул қилиб олиш;
- 6.2.2. Тегишли даражада сифатли бўлмаган хизмат тури аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб, 24 соат ичида «Бажарувчи» ни огохлантириш.
- 6.2.3. Махсулотнинг баҳосини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлаш.

7. Тарафлар жавобгарлиги

- 7.1. Хизмат турини (бажариш) вақтида шартнома бандларига тўлиқ риоя қилмаганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва 0,1% миқдорда пеня тўлайди.
- 7.2. «Сотувчи» хизмат турини тўлиқ бажармаганлиги учун «Харидор» га бажарилмаган хар кун учун хизмат тури баҳосидан 0,2 % пеня тўлайди.
- 7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги хизмат тури бажарилмаган булса, айбдор тараф 0,1 % миқдорда пеня тўлайди.
- 7.4. Тегишли даражада сифатли бажарилмаган хизмат турини кайтадан бажаришдан бош тортса, «Сотувчи» 20 % миқдорда жарима тўлайди.
- 7.5. Хизмат тури учун «Харидор» ўз вақтида ёки тўлиқ тўловни амалга оширмаган бўлса, маблағ миқдоридан 0,1 % пеня тўлайди, лекин 50 % миқдордан ошиб кетмаслиги керак.
- 7.6. «Сотувчи» бажарилган (курсатилган) хизмат тури учун уз вақтида тулик тулов амалга оширилмаган булса, агар бу томонларнинг келишувига асосан кўзда тутилган бўлса, «Харидор» хар бир ўтказиб юборилган кун учун «Сотувчи» га келиб чиққан зарар учун 50 % миқдорда жарима тўлайди.
- 7.7. Жарима тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

8. Форс-мажор ҳолатлари

- 8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.
- 8.2. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

9. Низони ҳал қилиш тартиби

- 9.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.
- 9.2. Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди орқали ҳал қилинади.

10. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

- 10.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилгандан ва Газначилик булинмасидан руйхатдан утказилгандан кейингина юридик кучга эга бўлади.
- 10.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

11. Бошқа ҳолатлар

- 11.1. Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга бўлиб икки нусхада тузилган.
- 11.2. Тарафларнинг бошқа талаблари: _____ йук _____
- 11.3. Шартномага илова: _____

12. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари

«Сотувчи»
 HORAZM SABINA ZARINA MCHJ
 (сотувчининг номи)
 Манзили: Янгибинокор МФЙ, Найман кучаси,
 107/2-уй
 Тел/факс: +998 91 992 80 00
 х/в 20208000705528659001
 Банк номи Микракредитбанк Хива ф/ли
 МФО:00578 СТИР 309568346
 ОКОНХ
 Раҳбар Н.Сабирова



Хуқуқшуноқ _____
 (Имзо)

_____ (Ф.И.О.)

«Харидор»
 Хива Мурувват уйи
 (бюджетдан маблағ олувчининг номи)
 Манзил: Хива тумани, Полосултон маҳалла
 шодиена кўчаси 25 уй
 Тел/факс 95-621-21-17
 х/в 100021860332267101204344001
 бюджетдан маблағ олувчи СТИР и 201987332
 ОКОНХ
 Газначилик булинмаси номи: Молия Вазирлиги
 Газначилиги
 Газна х/в 23402000300100001010
 Банкнинг номи Марказий Банкнинг Тош. ш. ККМ

МФО
 Газначилик булинмаси СТИР
 Раҳбар _____
 (Имзо) (Ф.И.Ш.)

 (Имзо)
 М.У.

